



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ – ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِیْ خَلَقَ الْاِنْسَانَ وَكَرَّمَهُ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلٰی رَسُوْلِهِ مُحَمَّدٍ الَّذِیْ سَنَّ الدِّیْنَ وَعَظَّمَهُ، وَعَلٰی اٰلِهِ
وَصَحْبِهِ اَجْمَعِیْنَ اَمَّا بَعْدُ

Хурматли жамоат! Аллоҳ таоло одам боласига жуда кўп неъматлар берган, уларни санаб адоғига ета олмаймиз. Шубҳасиз, улар ичида энг қимматли ва муҳимларидан бири – ҳаёт, тириклик неъматидир. Чунки бу неъмат инсон қолган неъматларни қабул қилиб олишига сабабчи бўлади. Шунинг учун тирикликнинг қадрига етиш, уни асраб авайлаш ва, албатта, ҳаёт неъматининг шукрини адо этиш ҳар бир кишининг зиммасида вожибдир.

Маълумки, инсон ҳаёти доим бир хил неъматлар ичида кечмайди – гоҳида енгил, гоҳида оғир, баъзида хурсандчилик, баъзида мусибат. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади:

﴿لَقَدْ خَلَقْنَا الْاِنْسَانَ فِيْ كَبَدٍ﴾

яъни: “**Ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва) машаққатда (бўлиш учун) яратдик**” (Балад сураси, 4-оят).

Машҳур бобомиз Алишер Навоий ўз ҳикматларида: “Саксон йил яшаш учун саксон йиллик сабр керак”, – деганлар. Демак, инсон бало ва мусибатларга қарши сабрни қалқон қилиб олиши керак. Чунки динимизнинг таълимоти бўйича дунёда юз берадиган барча ишлар Аллоҳ таолонинг хоҳиш иродаси билан бўлади. Мўмин-мусулмон киши ҳаёт қийинчиликларини дунёнинг синови экани, ҳар бир мусибат, ҳатто тиканнинг кириши ҳам ажрсиз қолмаслигини билади. У қийинчиликларга сабр-бардошли бўлади ва савоб умид қилади. Мусибат етганда биз Аллоҳнинг бандаси ва унга қайтиб боришимизни эслашимиз даркор. Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

﴿وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْاَمْوَالِ وَالْاَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصّٰبِرِيْنَ الَّذِيْنَ اِذَا اَصَابَتْهُمُ
مُّصِیْبَةٌ قَالُوْا اِنَّا لِلّٰهِ وَاِنَّا اِلَيْهِ رٰجِعُوْنَ اُولٰٓئِكَ عَلٰیهِمْ صَلٰوٰتٌ مِّنْ رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَّاُولٰٓئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُوْنَ﴾

яъни: “**Сизларни биров хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушxabар беринг (эй, Муҳаммад)! Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг хузурига қайтувчилармиз», – дейдилар. Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, ҳидоят топувчилардир**” (Бақара сураси, 155-оят).

Демак, имонли кишилар ҳаётда ҳеч қачон тушқунликка тушмаслиги керак, балки яхшиликдан умидвор бўлиб, доим ҳаракатда бўлишлари лозим. Афсуски, аҳён-аҳёнда ўз жонига қасд қилган кишилар ҳақидаги сўзлар қулоғимизга чалинади. Айниқса, бу каби фожеалар аёллар ичида кўп учраб туриши ачинарли ҳолатдир. Бу гуноҳни оқлаб бўлмайди, лекин маълум бир қисм аёллар ўзларига бўлган зулм-зўравонлик сабабли бу ишга қўл ураётгани сир эмас.

Шуни билиш керакки, бирор қийинчиликдан қутилиш ёки кимдандир норози бўлиб ўз жонига қасд қилиш – масаланинг ечими эмас. Масалан, қарз ёки молиявий қийинчилик сабабли ўз жонига қасд қилган одам қарздан қутилиб қолмайди. Ўз жонига қасд қилган киши гуноҳкор бўлиши билан бирга орқасида ота-онаси ва яқинларини қаттиқ қайғуда қолдиради. Аслида эса динимизнинг талаби – фарзанд уларни хизматларини қилиб, рози ва хурсанд қилиши керак эди.

Ўз жонига қасд қилишнинг охиратдаги оқибатлари яна ҳам ёмонроқдир. Динимиз таълимотида инсоннинг ўз жонига қасд қилиши катта гуноҳ ҳисобланади. Бу ҳақда Қуръони каримда Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿لَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا﴾

яъни: “...Ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир” (Нисо сураси, 29-оят).

Аллоҳ таоло бандасига омонат ўлароқ ато қилган жон-тирикликни фақат Ўзи хоҳлаган пайтда қайтариб олади. Жонни банданинг ўзи олишга ҳаракат қилиши – шошилиш ва Аллоҳ таолонинг тақдирига норозилиқдир!

Бу гуноҳнинг ёмонлигини билдириш учун Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ўтган қавмлар ҳаётидан ҳам мисол келтирдилар:

"كَانَ مِمَّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ رَجُلٌ بِهِ جُرْحٌ فَجَزَعٌ، فَأَخَذَ سَكِينًا فَحَزَّ بِهَا يَدَهُ، فَمَا رَقَا الدَّمُ حَتَّى مَاتَ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: "بَادِرِي ابْنَ آدَمَ بِنَفْسِهِ فَفَتَلَهَا، فَقَدْ حَرَمْتُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ" (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ عَنْ جُنْدَبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رضي الله عنه)

яъни: “Сизлардан олдин ўтган қавм орасида бир яраланган кимса бор эди. У оғриққа чидай олмасдан, қўлига пичоқ олиб, яраланган қўлини кесди. Натижада у қон йўқотиш туфайли вафот этди. Шунда Аллоҳ таоло: “Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни ҳаром қилдим”, – деди” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Аслини олганда динимиз ўз жонига қасд қилишга олиб борадиган йўллари ҳам беркитган. Масалан, мусулмон киши ўзига ўлим тилаши мумкин эмас. Чунки амаллар солих бўлиб, умрнинг узун бўлиши биз учун катта мукофот ҳисобланади.

Бу мавзуда энг катта муаммо – руҳий изтиробнинг мавжудлиги, қалб хотиржамлиги ва имонга суянадиган ироданинг йўқлиги, деб ҳисоблаймиз. Бунинг устига ўсмирлик даврида йигит-қизларнинг қаровсиз қолиши, турли нобоп йўллarga кириши, ёмонлар билан дўст тутиниши, маст қилувчи ичимликлар ва гиёҳванд моддаларга берилиб қолиши ҳам ўз жонига қасд қилишнинг кўпайишига сабаб бўлади. Афсуски, бекорчилик ва ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабабли баъзи ёшларимиз бу “тўр”ларга тушиб қолмоқдалар.

Юқоридаги муаммоларнинг ечими – Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидворлик, қалб хотиржамлиги ва сабр тоқатдир. Аллоҳ таоло Зумар сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ﴾

яъни: “(Эй, Муҳаммад!) **Ўз жонларига** (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир” (Зумар сураси, 53-оят).

Яна бир ояти каримада шундай дейилади:

﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ﴾

яъни: “Улар имон келтирган ва қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур (ва таскин топура)” (Раъд сураси, 28-оят).

Банда Аллоҳ таолонинг неъматларини тафаккур қилса, ўзиданда ёмон аҳволда бўлган минглаб одамлар борлиги ва уларнинг аксарияти шукр қилиб яшаётганини тушиниб етса, тилига беихтиёр “шукр” келади, камчиликлари учун истиғфор айтади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

انظروا إلى من هو أسفل منكم ولا تنظروا إلى من هو فوقكم فهو أجدر أن لا تزدروا نعمة الله عليكم
(رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “Ўзингиздан устун кишиларга эмас, ўзингиздан паст одамларга қаранг. Мана шу (иш) Аллоҳнинг неъматларини паст санамаслигингиз учун яхшироқ бўлади” (Имом Муслим ривоятлари).

Бу ҳадисга амал қилган киши Аллоҳ унга жуда кўп неъматлар берганини мулоҳаза қилади. Шукрли инсон бу дунё қийинчиликларини осон енгади. Мўмин кишининг иши ажойиб, у ҳеч қачон ютқазмайди. Яхшилик келса – шукр қилади, савоб олади. Бошига синов келса – сабр қилади, яна савоб олади. Банда Аллоҳ таолонинг зикридан ва шукридан ғофил қолса, шайтон унинг қалбига васваса қила бошлайди. Қачон Аллоҳнинг зикрини қилса, ортга чекинади. Аллоҳ таоло бизга бу дунё қийинчиликларини қандай енгиб ўтиш йўлини кўрсатди:

﴿وَاسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ﴾

яъни: “(Аллоҳдан) сабр ва намоз ила ёрдам сўрангиз. Дарҳақиқат, у (намоз) оғир ишдир. Илло, итоатли (хоқисор) кишиларга (оғир) эмас” (Бақара сураси, 45-оят).

Қийинчиликларга дуч келинганда, Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда келган дуоларни лозим тутиш керак. Дуо ҳақида Қуръони каримда шундай дейилади:

﴿وَذَا النُّونِ إِذْ ذَهَبَ مُغَاضِبًا فَظَنَّ أَنْ لَنْ نَقْدِرَ عَلَيْهِ فَنَادَى فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

яъни: “Зуннун (Юнус)нинг (ўз қавмидан) ғазабланган ҳолда (қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғи зулматлар ичра: «Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим», – деб нидо қилган (пайтини эсланг!)” (Анбиё сураси, 87-оят).

Кейинги ояти каримада эса юқоридаги дуони қабул қилгани айтилади:

﴿فَاسْتَجَبْنَا لَهُ وَجَجْنَا لَهُ مِنَ الْعَمِّ وَكَذَلِكَ نُنْجِي الْمُؤْمِنِينَ﴾

яъни: “Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз” (Анбиё сураси, 88-оят).

Уламоларимиз мана шу оятга мувофиқ кимнинг бошига иш тушса, «Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим» (Анбиё сураси, 87-оят) дуосини кўп айтсин, дейишади. Яна истиғфор (“астағфируллоҳ” калимаси)ни кўп айтиш ҳам камбағаллик, бефарзандлик ва қурғоқчилик каби муаммоларни кетказишига Қуръони каримда кўплаб ишоралар бор.

Албатта, бу масалада диний тарбиянинг ўрни муҳим. Фарзандларга динимиз асослари, ибодатнинг маъноси, гуноҳ-савоб, ҳалол-ҳаромни оиладан ўргатиб боришимиз керак. Уларнинг олдига юксак марралар ва мақсадлар қўйиб, ўша томонга етаклашимиз, керакли ёрдамни беришимиз керак. Яна уларни турли зарарли одатлардан сақласак, бўш вақтларини билим ўрганиш, спорт билан шуғулланишга сарфласак, натижа яхши бўлади.

Муҳтарам жамоат! Бугунги кунда интернет тармоғида ёшларга ўзини ўзи портлатиш ва ўлдириш ғояларини сингдиришга уринаётган, уларни хаёлий жаннат ваъдаси билан «шаҳид бўлиш»га чақираётган турли гуруҳлар кўпайиб бормоқда. Ваҳоланки, Ислом динида ўзини портлатиш йўли билан ўзининг ва ўзгаларнинг жонига қасд қилиш улкан гуноҳ ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан келтирилган ҳадисларда ўз жонига қасд қилганлар ёки ўзгаларни ўлдирганлар дўзахда абадий азобланиши айтиб ўтилган.

Шунингдек, Ислом динида ўзини ўзи ўлдиришга олиб келадиган, инсон умрига зомин бўладиган ишларда ҳеч кимга итоат этиш лозим эмаслиги таъкидланган. Қуйидаги ривоят шунга далолат қилади:

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ سَرِيَّةً وَاسْتَعْمَلَ عَلَيْهِمْ رَجُلًا مِنَ الْأَنْصَارِ قَالَ فَلَمَّا حَرَجُوا قَالَ وَجَدَ عَلَيْهِمْ فِي شَيْءٍ فَقَالَ قَالَ لَهُمْ أَلَيْسَ قَدْ أَمَرْتُكُمْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنْ تُطِيعُونِي قَالَ قَالُوا بَلَى قَالَ فَقَالَ اجْمَعُوا حَطَبًا ثُمَّ دَعَا بِنَارٍ فَأَضْرَمَهَا فِيهِ ثُمَّ قَالَ عَزَمْتُ عَلَيْكُمْ لَتَدْخُلَنَّهَا قَالَ فَهَمَّ الْقَوْمُ أَنْ يَدْخُلُوهَا قَالَ فَقَالَ لَهُمْ شَأْبٌ مِنْهُمْ إِنَّمَا فَرَزْتُمْ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ مِنَ النَّارِ فَلَا تَعْجَلُوا حَتَّى تَلْقُوا النَّبِيَّ ﷺ فَإِنْ أَمَرْتُكُمْ أَنْ تَدْخُلُوهَا فَادْخُلُوهَا قَالَ فَرَجَعُوا إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَأَحْبَرُوهُ فَقَالَ لَهُمْ: "لَوْ دَخَلْتُمُوهَا مَا خَرَجْتُمْ مِنْهَا أَبَدًا إِنَّمَا الطَّاعَةُ فِي الْمَعْرُوفِ" (رواه الإمام أحمد).

яъни: Али разияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойга қўшин юбориб, уларга ансорлардан бирини раҳбар этиб тайинладилар. Йўлга чиқишгач, раҳбар уларни синамоқчи бўлиб: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сизларни менга итоат этмоғингизга буюрганлар, шундай эмас-ми?” – деди. Улар: “Худди шундай”, – дейишди. “Шундай экан, ўтин тўпланглар”, – деди ва олов келтириб, унга ўт ёқди. Сўнгра: “Мана шу оташ ичига киришингларга буюраман”, – деди. Улар оташ ичига киришга шайланиб турганларида, ораларидан бир йигит: “Расулуллоҳнинг ҳузурларига айнан оташдан қочиб келган эдингиз-ку, бас, шошилманг! Аввал Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига боринг, агар оташга киришингизга У Зот ҳам буюрсалар, кирасизлар”, – деди. Шундан кейин Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бўлган воқеанинг хабарини бердилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар оташга кирганингизда, ундан абадий чиқа олмас эдингиз. **Итоат – фақат шариатга мувофиқ ишлардадир**”, – дедилар” (Имом Аҳмад ривоятлари). Афсуски, бугунги кунда баъзи адашганлар турли “раҳнамолар”нинг буйруқлари ва “фатво”ларига таяниб, ўзларини

портлатиб, ширин жонларига қасд қилишни ҳалол санамокдалар. Юқорида келтирилган ҳадиси шариф, айнан мана шундай тоифадаги кишиларнинг қилаётган ишлари хато эканига ёрқин ва катта далил бўлади.

Хулоса шуки, мўмин-мусулмон киши доимо Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, азобидан кўрқиши керак! Ана шунда унинг имони саломат бўлади, шайтон васвасаларидан омонда бўлади. Яна бир муҳим жиҳати – доимо олим кишилардан панд-насиҳатлар эшитиш ва солиҳ кишилар, соғлом табиатли одамлар билан дўстлашиш, улар билан бирга бўлишдир! Бу ишлар кишининг руҳиятини тетик ва яшовчан қилади.

Муҳтарам жамоат! Маълумки, Ислом дини инсонларни илм олишга тарғиб қилувчи диндир. Аллоҳ таоло илмни Қиёматгача бандалар учун маърифатга эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатига эришиш воситаси қилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам халқимизга маърифат етказиш мақсадида “Ҳидоят”, “Мўминалар” диний-маърифий ва адабий-ижтимоий журналлари ва “Ислом нури” газетасини бир неча йиллардан бери нашр қилиб келади. Ушбу нашрларда турли хил сара диний-маърифий мақола ва маълумотлар бериб борилади. Бу нашрларга обуна бўлиш орқали хонадонимизга, балки халқимизга Ислом маърифати ва зиёси кириб боради. Айни пайтда мана шу диний-маърифий нашрларга келгуси йил учун обуна бўлиш давом этмоқда. Билингки, ушбу нашрларга обуна учун сарфланган маблағлар энг катта савоб йўлига сарфланган ҳисобланади.

Қолаверса, бу иш ҳадиси шарифларда зикр қилинган фойдали илмни қолдириш қабилдан бўлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: *“Инсон дунёдан ўтганида унинг барча амаллари тўхтайди, аммо уч амали борки, улар ҳаргиз тўхтамайди. Бу амаллар – садақаи жория, манфаатли илм, ҳамда солиҳ фарзанд”* (Имом Бухорий ривоятлари).

Аввал ўтган улуғ аждодларимиз илмга бўлган қизиқишлари, чанқоқликлари сабабли нафақат диний илмлар, балки дунёвий илмлар ривожига ҳам катта ҳисса қўшдилар. Натижада уммат илм-маърифатга эга бўлди. Беназир Ислом гуллаб яшнади. Илм-маърифат асрлар давомида ўз чўққисига чиқди. Бу ютуқларни ҳозирги кунда ҳам давом этиши сиз билан бизга ҳам боғлиқдир.

Муҳтарам жамоа! Ўтган Жума мавъизасида сайловлар яқинлашиб келаётгани ҳақида гапириб ўтган эдик.

Айрим намозхонларимиздан саволлар берилиб, сайловда қандай иштирок этсак маъқул бўлади, қандай иш тутсак мусулмонлик одобларига тўғри келади, деган саволларни беришди.

Азизлар, бир фикрни айтиб ўтмоқчимизки, мусулмонларнинг сайловларда иштирок этиши – фуқаролик бурчларидандир. Азиз динимиз таълимотида ҳар бир инсон озод ва ҳур бўлиб, ўз фикрини ифода қилишда эркин саналади. Шу сабабли биз ҳар балоғатга етган инсон ўз хошиини эркин ифода этиши юксак маданият дея тарғиб этамиз.

Бундан ташқари жамият учун хайрли ишлар юзасидан ҳамкорлик қилиш муқаддас динимиз кўрсатмалари сирасига киради. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади:

... وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ ... يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا

“(Эй мўминлар), сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!” (Моида сураси, 2-оят).

Шунга кўра мусулмонлар ўз диёрлари, оила ва фарзандлари, яқинлари тақдирига бефарқ бўлмай, яхшилик йўлида бирлашиб, бамаслаҳат ва ҳамкорликда юрт келажаги учун қайғуришлари исломий гўзал ахлоқлардир!

Мухтарам жамоа! Шундай экан жорий йилнинг 22 декабрь куни ўтказиладиган **халқ ноиблари** сайловида барчамиз фаол бўлиб, ўз овозимизни беришда шахсан қатнашиб, намуна бўлайлик!

Аллоҳ таоло Юртимизни турли хилдаги самовий ва арозий офату балолардан хифзу ҳимоясида сақласин, халқимиз ҳаётини бундан ҳам фаровон айласин! Барчамизни Ўзи рози бўладиган амаллар билан яшаб ўтмоғимизга муяссар қилсин! Омин!